



## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING BUYRUG‘I

### **Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 июндаги ПҚ–4375-сон ва “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 20 январдаги ПҚ–10-сон қарорларига мувофиқ, Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига ўқувчиларни қабул қилиш бўйича танловларни самарали ташкил этиш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ–4375-сон қарорига мувофиқ Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига ўқувчиларни танлаш ва саралаш тартиби Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти (У.К. Нуруллаев) Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи (кейинги ўринларда – ҳарбий-академик лицей)га ўқувчиларни танлаш ва саралаш тадбирлари очик ва шаффоф ўтказилишини таъминласин.

4. Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари:

номзодларни ҳарбий-академик лицейга ўқишга қабул қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштирсин;

дастлабки ва ҳарбий-касбий танлов тадбирларини шаффоф ва холисона ўтказилишини таъминласин ҳамда ҳар қандай коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсин.

5. Тиббиёт бошқармаси (Ш.Ю. Нишанов) ҳарбий-академик лицейга ўқишга кириш учун мурожаат этган номзодларнинг соғлиғи ҳолатини текшириш бўйича зарур чора-тадбирларни ташкиллаштирсин.

6. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси (Ш.К. Гиясов) ҳарбий-академик лицейга ўқишга қабул қилиш танловлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари бошлиқларига, умумий назорат Вазир ўринбосари, генерал-майор А.И. Икромов зиммасига юклатилсин.

**Вазир**  
**генерал-лейтенант**

Тошкент шаҳри,  
2023 йил “23” март,  
\_\_\_150\_ -сон

**П.Р. Бобожонов**

## **Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

Ушбу Низом Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи (кейинги ўринларда – ҳарбий-академик лицей)га ўқувчиларни қабул қилиш бўйича танловлар ўтказиш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ҳарбий-академик лицейга қабул йилида умумтаълим мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг 9-синфини тамомлаганлик тўғрисидаги шаҳодатномага эга, ўн олти ёшдан катта бўлмаган, соғлиғининг ҳолатига кўра ўқишга яроқли деб топилган, эркак жинсли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида ўқишга қабул қилинади.

2. Ҳарбий-академик лицейга ўқишга қабул қилиш танлов, тенг ҳуқуқлилик, адолатлилик, ошқоралик ва ўқишга қабул қилишнинг ягона қоидалари принциплари асосида куйидаги босқичларда ташкил этилади:

дастлабки танлов;

ҳарбий-касбий танлов;

тест синовлари.

Бир босқичдан муваффақиятли ўта олмаган номзодлар кейинги босқичга кўйилмайди.

3. Номзодлар синовларни ўзбек, қорақалпоқ ёки рус тилларидан бирини танлаган ҳолда топширадилар.

### **2-боб. Ҳарбий-академик лицейга номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилишни ташкил этиш**

4. Ҳарбий-академик лицейга номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – вазирлик), Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий ички ишлар органлари) ҳамда ҳарбий-академик лицейнинг расмий веб-сайти ва оммавий ахборот воситалари орқали танлов эълон қилинади. Унда ариза қабул қилинадиган манзил, танловни ўтказиш муддатлари ва жойи, ўқишга қабул қилиш шартлари ҳамда танловни ўтказиш билан боғлиқ бошқа маълумотлар акс эттирилади.

5. Ҳарбий-академик лицейга ўқишга қабул қилиш бўйича тарғибот ва дастлабки танлов босқичи тадбирлари ҳудудий ички ишлар органларида тузиладиган ишчи гуруҳлар томонидан ташкил этилади ҳамда амалга оширилади.

Ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини қабул йилидан олдинги йилнинг сентябрь ойининг биринчи иш кунидан кейинги йилнинг сентябрь ойининг биринчи иш кунига қадар амалга оширади.

6. Ҳарбий-академик лицейга ўқишга қабул қилишни сифатли ташкил этиш мақсадида Номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш бўйича қабул комиссиялар (кейинги ўринларда – қабул комиссия) тузилади ва уларнинг таркиби ҳар йили Вазирликнинг буйруғи билан тасдиқланади.

7. Худудий ички ишлар органлари бошлиқлари қабул комиссияси раиси, Вазирлик ва Вазирлик Академиясининг юқори малакали ва тажрибали катта офицерлари комиссия раиси ўринбосарлари этиб белгиланади.

Қабул комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг худудий бошқармалари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи худудий Кенгашидан бир нафардан ходимлари киритилиши мумкин. Худудий ички ишлар органлари Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиқларининг кадрларни тайёрлаш бўйича ёрдамчиси комиссия котиби ҳисобланади.

Ҳарбий-касбий танлов бўйича имтиҳонларга қабул комиссияси таркибига кўшимча равишда тор доирадаги мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

8. Қабул комиссиялари қабул йилининг 1 апрелидан 31 августига қадар фаолият юритади.

9. Қабул комиссиялари раислари:

қабул комиссиясининг ишини ташкиллаштиради ҳамда уларнинг вазифаларини белгилайди;

кичик комиссиялар таркибини шакллантиради ва тасдиқлайди;

кичик комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

қабул комиссияси раиси юклатилган вазифаларни бажариш учун ўз ваколати доирасида тегишлича буйруқлар қабул қилади.

10. Ўқишга қабул қилишни сифатли ташкил этиш мақсадида кичик комиссиялар таркибига қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар жалб этилиши мумкин:

номзодларни якуний тиббий текширувдан ўтказиш;

номзодларнинг саводхонлик даражаси (орфография ва пунктуация)ни баҳолаш;

номзодларнинг психофизиологик хусусиятларини ўрганиш;

номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш.

11. Ҳарбий-академик лицейга ўқишга кириш истагини билдирган номзодлар ўзларининг доимий яшаш жойидаги худудий ички ишлар органларига таълим йўналишини кўрсатган ҳолда, мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

**Аризалар қабул йилининг 1 апрелидан 30 апрелига қадар қабул қилинади.**

12. Дастлабки танловда иштирок этиш учун номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) худудий жиҳатдан тегишли худудий ички ишлар органлари бошлиқлари номига ариза;

б) белгиланган шаклдаги сўровнома;

в) ўқиш жойи ва маҳалла фуқаролар йиғинидан тавсифнома;

г) таълим муассасасига кираётган номзодни тиббий кўрикдан ўтказиш варақаси, амбулатор тиббий картаси ва унга тикилган кўшимча варағи (025-1у шакли), профилактик эмлаш картаси (063 шакли);

д) намуна асосида ёзилган батафсил таржимаи ҳол;

е) туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт нусхаси, мудофаа ишлари бўлимларида рўйхатда туриши тўғрисидаги маълумотнома нусхаси;

ж) фанларни ўзлаштириши тўғрисида ўқиш жойидан директор томонидан тасдиқланган маълумотнома;

з) психоневрологик, силга қарши ва тери-таносил касалликлари диспансерлари, наркологик ва одам иммунитетни танқислиги синдромига (ОИТС) қарши курашиш марказларидан берилган маълумотнома, лаборатория текширишлари натижалари (қон ва пешобнинг умумий таҳлили, нажасни гельментологик текшируви, қоннинг биокимёвий текширувлари: аланинаминотрансфераза (АЛТ), аспартатаминотрансфераза (АСТ), билирубин (фракциялари билан), умумий оксил, тимол синамаси, “В” ва “С” турдаги вирусли гепатитнинг маркерлари ва аъзолари, нажасни гельментологик текшируви кўкрак қафаси флюорографияси, электрокардиография текшируви (ЭКГ), қорин бўшлиғи, сийдик ажратиш тизими аъзолари ва қалқонсимон безнинг, ультратовуш текшируви (УТТ), эндоскопик эзофагогастроэдуоденоскопия текшируви (ЭФГДС) хулосалари) бўйича тиббий маълумотномалар;

и) 3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 4 та, 3 x 4 см ўлчамдаги 6 та рангли фотосурат (бош кийимсиз ва бурчаксиз) ҳамда 9 x 12 см ўлчамдаги 2 та рангли фотосурат (бош кийимсиз).

13. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ дастлабки ва ҳарбий-касбий танловдан муваффақиятли ўтган “Темурбеклар мактаби”га тест синовларисиз танловдан ташқари ўқишга қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлган айрим тоифадаги номзодлар кўшимча равишда қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) халқаро ва республика фан олимпиадаларининг ғолиблигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги гувоҳнома;

б) ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда жароҳатланиш (шикастланиш) натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарув бўлинмалари хизматчиларининг фарзандлари:

ўлим гувоҳномаси ёки ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома;

хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда жароҳатланиш (шикастланиш) натижасида ногирон бўлиб қолганлиги юзасидан тегишли вазирлик ва идора раҳбарининг буйруғидан кўчирма;

в) етим, ота-она қаровисиз қолган, ижтимоий носоғлом оилаларда яшаётган, давлат ва жамият кўмагига муҳтож бўлган, қабул йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган номзодлар учун Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссия тавсияси;

г) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги раҳбарлигида ўтказилаётган республика ва халқаро спорт мусобақаларининг ғолиблигини тасдиқловчи гувоҳнома.

Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисида гувоҳнома, ўқишга имтиёзли кириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари номзодлар томонидан қабул комиссиясига шахсан тақдим этилади.

14. Ҳарбий-академик лицейга ўқишга кириш учун номзодга мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда ҳарбий-академик лицейга номзод сифатида рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотнома расмийлаштирилади.

Номзод дастлабки ва ҳарбий-касбий танлов тадбирларига маълумотнома асосида киритилади.

## **2-боб. Даствлабки танлов тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш**

15. Даствлабки танлов тадбирлари худудий ички ишлар органларида кичик комиссия томонидан қабул йилининг 1 май кунидан 30 май кунига қадар ўтказилади.

16. Даствлабки танлов тадбирларини ташкил этишда худудий ички ишлар органлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

ҳарбий-академик лицейга ўқишга кириш истагини билдирган номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш;

якка тартибда даствлабки суҳбат ўтказиш;

номзодларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш;

тиббий комиссия кўригидан ўтказиш;

даствлабки танлов якуни бўйича номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдини ва танлов натижаларини ўрганиш ҳамда уларни ҳарбий-касбий танловга қўйиш масаласини ҳал этиш.

17. Даствлабки танлов тадбирларида иштирок этадиган номзодлар сони чекланмайди.

18. Худудий ички ишлар органлари томонидан номзодларга даствлабки тиббий кўриқдан ўтиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қаршли тиббий муассасаларга йўлланма берилади.

19. Номзодларнинг шахсий-психологик хусусиятларини ўрганиш улар билан якка тартибдаги даствлабки суҳбат ўтказиш йўли билан амалга оширилиб, мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги шахсий-психологик хусусиятларини ўрганиш варақаси расмийлаштирилади.

20. Номзодлар билан якка тартибдаги даствлабки суҳбат худудий ички ишлар органларида ташкил этилган кичик комиссия томонидан ўтказилади.

Якка тартибдаги даствлабки суҳбатда қуйидагилар аниқланади:

номзоднинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини, давлатни ҳимоя қилиш бўйича конституциявий мажбуриятларини тушуниши;

юқори даражадаги ҳушёрлик ҳамда ёт мафкура ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлиги;

бурчни ҳис этиши, қатъиятлиги, ишчанлиги, меҳнатсеварлиги;

номзод тўғрисидаги турли маълумотлар (оилавий аҳволи, ота-онаси ва яқин қариндошларининг ички ишлар органларида хизматга муносабати ва шу қабилар);

ички ишлар органлари ходими касбини танлашининг сабаблари, асослари ва бошқалар.

21. Якка тартибдаги даствлабки суҳбат натижасида қуйидаги ҳулосалар берилади:

ҳарбий-академик лицейга ўқишга кириш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга тавсия этилади;

ҳарбий-академик лицейга ўқишга кириш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга тавсия этилмайди.

22. Ҳарбий-академик лицейга ўқишга номзод томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш ва уларнинг шахсий йиғмажилдларини расмийлаштириш ишлари даствлабки танлов тадбирлари якунлангунга қадар амалга оширилади.

Номзоднинг ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида ҳарбий-академик лицейга ўқишга қабул қилинишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар (маълумотлар) аниқланганда ёки соғлиғининг ҳолати бўйича ўқишга яроқсиз деб топилган тақдирда унинг ҳужжатларини расмийлаштириш тўхтатилади.

23. Қуйидагилар номзодга ҳарбий-академик лицейга кириш учун рад жавобини берилишига асос бўлади:

номзоднинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси эмаслиги;

номзодга нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги, дастлабки тергов ёки суриштирув ўтказилаётганлиги, жиноят иши судда кўриб чиқиляётганлиги;

жазо чораси туридан ёки амнистия қарори қўлланилганлигидан қатъий назар содир этилган жиноят учун айблов ҳукми чиқарилганлиги;

ички ишлар органларидан салбий тавсияномалар тақдим этилганда.

24. Дастлабки танлов якунлари ҳудудий ички ишлар органларида ташкил этилган кичик комиссиялар томонидан муҳокама қилинади. Номзодни ҳарбий-касбий танловга қўйиш бўйича қабул қилинган қарор мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ баённома шаклида расмийлаштирилади.

25. Дастлабки танлов тадбирларини ташкил этиш бўйича кичик комиссия томонидан ҳарбий-касбий танловда иштирок этишга рухсат берилган номзодларнинг рўйхатини ҳамда ҳар бир номзод бўйича шахсий йиғмажилдларни қабул йилининг 1 июнь кунига қадар тўлиқ шаклантиради ва қабул комиссиясига тақдим этади.

26. Дастлабки танлов натижасида ҳарбий-академик лицейга ўқишга тавсия этилмайди деб топилган номзодларнинг шахсий йиғмажилдлари (ва бошқа ҳужжатлар) йил якунига қадар ҳудудий ички ишлар органларида сақланади ҳамда ушбу муддат тугагач далолатнома асосида йўқ қилинади (номзод ҳужжатларидан дастлабки танлов босқичида нусха олиниб, ўша вақтнинг ўзида унга асли қайтариб берилади).

### **3-боб. Ҳарбий-касбий танлов тадбирларини ва тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш**

27. Ҳарбий-касбий танловнинг тадбирлари қуйидагилардан иборат: тақдим қилинган номзодга тегишли ҳужжатлар ва уни тавсифловчи маълумотларни ўрганиш;

номзодларни якуний тиббий текширувдан ўтказиш;

номзоднинг саводхонлик даражасини (орфография ва пунктуация) баҳолаш;

номзодларнинг психофизиологик хусусиятларини ўрганиш;

номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш;

номзод билан яқка тартибда якуний суҳбат ўтказиш ва номзодларни тест синовларига қўйиш тўғрисида якуний қарор қабул қилиш.

28. Ҳарбий-касбий танлов тадбирлари тегишли қабул комиссияси раисининг буйруғи билан тасдиқланадиган кичик комиссиялар томонидан ҳар йили 1 июндан 25 июнь кунига қадар ўтказилади.

29. Номзодларни якуний тиббий текширувдан ўтказиш ҳудудий ички ишлар органлари ҳузуридаги тиббиёт мутахассисларидан иборат таркибдаги кичик тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади.

30. Якуний тиббий текширув натижаларига асосланган соғлиғининг ҳолатига кўра номзоднинг ҳарбий-академик лицейда ўқишга яроқлилиги ҳолати тўғрисидаги қарор чиқарилади.

Соғлиғининг ҳолатига кўра ўқишга яроқсиз деб топилган номзодлар ҳарбий-касбий танловнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

31. Номзодларнинг саводхонлик даражасини (орфография ва пунктуация) баҳолаш диктант ёздирриш орқали мазкур Низомнинг 5-иловасида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади. Диктант ўтказиш учун олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари келишув асосида жалб қилиниши мумкин.

Диктант бўйича қониқарсиз баҳоланган номзодлар ҳарбий-касбий танловнинг кейинги босқичларига қўйилмайди.

32. Номзодларнинг психофизиологик хусусиятларини ўрганиш тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда мазкур Низомнинг 6-иловасида кўрсатилган методикага асосан психологик тестлар ўтказиш орқали кичик комиссиялар томонидан ташкиллаштирилади ва ўтказилади.

33. Психофизиологик хусусиятларни ўрганиш натижаларига кўра қуйидаги хулосалар чиқарилади:

ўқишга кириш учун тавсия этилади;

ўқишга кириш учун тавсия этилмайди.

Психофизиологик хусусиятларни ўрганиш натижалари бўйича ўта олмаган ҳамда ўқишга кириш учун тавсия этилмаган номзодлар ҳарбий-касбий танловнинг кейинги босқичига қўйилмайди.

34. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов мазкур Низомнинг 7-иловасида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

Жисмоний тайёргарлик даражаси бўйича талабларга жавоб бермайдиган (қониқарсиз баҳоланган) номзодлар ҳарбий-касбий танловнинг кейинги босқичига қўйилмайди.

35. Якка тартибдаги якуний суҳбат қабул комиссияси томонидан номзоднинг республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун моҳиятини англаши, кенг дунёқарашга ва интеллектуал салоҳиятга эгаллиги, етакчилик сифатлари ривожланганлиги, билими, ақлий қобилияти ва бошқа муҳим касбий фазилатларини аниқлаш мақсадида худудий ички ишлар органларида ўтказилади.

36. Якка тартибдаги якуний суҳбат мазкур Низомнинг 8-иловасида келтирилган методикага асосан ўтказилади.

37. Якка тартибдаги якуний суҳбат оғзаки шаклда қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодга бериладиган саволларга оғзаки жавоб бериш орқали амалга оширилади.

38. Якуний суҳбат саволлари умумий ўрта таълим фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон тарихи ва тарбия фанлари бўйича ишлаб чиқилади.

39. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари шу куннинг ўзида эълонлар тахтасига жойлаштириш орқали номзодлар эътиборига етказилади.

40. Номзодларга якка тартибдаги якуний суҳбатни қайта топширишга рухсат берилмайди.

41. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижаларига кўра номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш тўғрисида якуний қарор қабул қилинади.

42. Якка тартибдаги якуний суҳбатдан ўта олмаган номзодларнинг шахсий йиғмажилдлари (ва бошқа ҳужжатлари) далолатнома асосида йил якунига қадар сақланади.

43. Якка тартибдаги якуний суҳбатдан ўтган номзодларнинг шахсий йиғмажилдлари ҳудудий ички ишлар органлари орқали қабул йилининг 30 июнь санасига қадар ҳарбий-академик лицейга етказилади.

44. Ҳарбий-академик лицейнинг қабул комиссиясига номзодларнинг шахсий йиғмажилдларини ушбу мақсадлар учун ваколатга эга бўлмаган бошқа шахслар орқали топшириш қатъиян ман этилади.

45. Тест синовларига рухсат этилган номзодларга ҳудудий ички ишлар органлари томонидан маълумотнома берилади. Маълумотнома умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномани олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

46. Шахсий йиғмажилдларини ўрганиш натижаларига кўра тест синовларига рухсат этилган номзодларнинг рўйхатларини ҳудудий ички ишлар органларига етказиш учун ҳарбий-академик лицей масъул ҳисобланади.

47. Номзодларнинг тест синовларида иштирок этиш учун ўз вақтида ҳарбий-академик лицей (белгиланган жойлар)га етиб келиши учун жавобгарлик ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқларига юклатилади.

48. Ҳарбий-академик лицейга келиб-кетиш, тест синовларига тайёрланиш ва топшириш даврида жойлашиш ҳамда овқатланиш билан боғлиқ харажатлар номзодларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қопланади.

49. Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўрнатилган тартибда ўтказилади.

50. Тест синовлари ўтказиладиган умумтаълим фанлари блоки Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

51. Номзодлар тест синовларини ўз ихтиёрига кўра уч тил – ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларидан бирида топширадилар.

52. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказилган тест синовларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси белгилаган муддатларда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига ҳамда ҳарбий-академик лицейи қабул комиссиясига тақдим этилади.

53. Тест синовларига белгиланган муддатда келмаган номзодлар учун такрорий тест синовлари ўтказилмайди.

54. Ҳарбий-академик лицейга қабул қилинмаган (саралашдан ўтмаган) номзодларнинг шахсий йиғмажилдлари (ва бошқа ҳужжатлари) далолатнома асосида йил

яқунига кейинчалик номзодларнинг яшаш жойи бўйича ҳудудий ички ишлар органларига юборилади.

55. Тест синовларини ўтказиш санаси, жойи ва вақти Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

56. Тест топшириқлари умумий ўрта таълими фанлари (5–9 синфлар кесимида) бўйича Давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилади.

57. Тест синовлари натижасидан норози бўлган номзод, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар (ҳомийлар) тест синовлари натижаси эълон қилингандан кейин икки иш куни давомида ҳарбий-академик лицейда ташкил этилган апелляция комиссиясига ёзма равишда тест натижалари бўйича апелляция шикоятни бериш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг шикояти қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

58. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ дастлабки ва ҳарбий-касбий танловдан муваффақиятли ўтган қуйидаги номзодлар ҳарбий-академик лицейга тест синовларисиз танловдан ташқари ўқишга қабул қилинади:

халқаро ва республика фан олимпиадаларининг ғолиблари – белгиланган қабул квотаси доирасида;

ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда жароҳатланиш (шикастланиш) натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарув бўлинмалари хизматчиларининг фарзандлари – квотадан ташқари;

етим, ота-она қаровисиз қолган, ижтимоий носоғлом oilаларда яшаётган, давлат ва жамият кўмагига муҳтож бўлган, жорий йилда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссия тавсияси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қарорлари асосида – квотадан ташқари, белгиланган квотанинг 5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

59. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги раҳбарлигида ўтказилаётган республика ва халқаро спорт мусобақаларининг ғолибларига Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ҳарбий-академик лицейга кириш учун ўтказилаётган тест синовларида улар тўплаган балларнинг 20 фоизи миқдоридagi қўшимча баллар кўринишида имтиёз берилади.

## **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

60. Номзодни ўқишга қабул қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар унинг шахсий йиғмажилдида сақланади.

61. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Нукус “Темурбеклар мактаби”  
ҳарбий-академик лицейига  
ўқувчиларни қабул қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

\_\_\_\_\_ га  
(худудий ички ишлар органлари бошлиғи, Ф.И.Ш.)  
\_\_\_\_\_ да  
(номзоднинг яшаш жойи)  
яшовчи \_\_\_\_\_ дан  
(номзоднинг Ф.И.Ш.)

**А Р И З А**

Менга Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига

\_\_\_\_\_ *(“Ижтимоий-гуманитар фанлар”, “Аниқ фанлар”)*

йўналиши бўйича ўқишга кириш учун ҳужжатларимни расмийлаштиришга рухсат беришингизни сўрайман. Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейида таълим олиш шарт-шароитлари, тартиб-интизомга риоя этиш қоидалари билан таништирилдим.

Тест синовларини \_\_\_\_\_ тилида топшираман.  
*(ўзбек, қорақалпоқ, рус)*

Чет тилидан синовларни \_\_\_\_\_ тилида топшираман.  
*(инглиз, немис, француз)*

\_\_\_\_\_ *(имзо)*

\_\_\_\_\_ *(Ф.И.Ш.)*

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Биз, Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига ўқишга киришга номзоднинг ота-онаси

\_\_\_\_\_ *(Ф.И.Ш.)*

фарзандимиз \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ *(Ф.И.Ш.)*

ушбу лицейга ўқишга киришига розимиз.

Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейида таълим олиш шарт-шароитлари, тартиб-интизомга риоя этиш қоидалари билан танишдик.

\_\_\_\_\_ *(имзо)*

\_\_\_\_\_ *(Ф.И.Ш.)*


\_\_\_\_\_ *(имзо)*

\_\_\_\_\_ *(Ф.И.Ш.)*

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Нукус “Темурбеклар мактаби”  
ҳарбий-академик лицейига  
ўқувчиларни қабул қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-илова

**МАЪЛУМОТНОМА**



М.Ў.

---

(номзоднинг Ф.И.Ш.)

Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига

ўқишга номзод сифатида рўйхатга олинди.

**Худудий ИИО бошлиғининг ўринбосари**

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

Нукус “Темурбеклар мактаби”  
ҳарбий-академик лицейига  
ўқувчиларни қабул қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Шахсий-психологик хусусиятларини ўрганиш  
ВАРАҚАСИ**

Номзоднинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Номзоднинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини, давлатни ҳимоя қилиш бўйича конституциявий мажбуриятларини тушуниши \_\_\_\_\_

Номзоднинг юқори даражадаги ҳушёрлик ҳамда ёт мафкура ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлиги \_\_\_\_\_

Номзоднинг бурчни ҳис этиши, қатъиятлиги, меҳнатсеварлиги \_\_\_\_\_

Номзоднинг ҳарбий хизматни танлашининг сабаблари, асослар \_\_\_\_\_

Номзоднинг оилавий аҳволи \_\_\_\_\_

Номзоднинг ота-онаси, яқин қариндошларининг ҳарбий хизматга муносабати \_\_\_\_\_

Номзод ҳақидаги қўшимча маълумотлар \_\_\_\_\_

Шахсий-психологик хусусиятларини ўрганиш натижаси бўйича умумий хулоса \_\_\_\_\_

(ўқишга тавсия этилади ёки тавсия этилмайди)

(Худудий ИИО бошлиғи  
ўринбосари -ММИваКТХ бошлиғи  
унвони, лавозими)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Нукус “Темурбеклар мактаби”  
ҳарбий-академик лицейига  
ўқувчиларни қабул қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-илова

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

(Худудий ИИО бошлиғи  
лавозими, унвони, Ф.И.Ш. ва имзоси)

20 \_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

**Кичик комиссиянинг йиғилиш  
БАЁННОМАСИ**

\_\_\_\_\_-сон

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

(йиғилиш ўтказилган ҳудуд номи)

Раислик қилувчи:

(ММИ ва КТХ бошлиғи унвони ва Ф.И.Ш.)

Қатнашганлар:

(йиғилиш иштирокчисининг Ф.И.Ш.)

(йиғилиш иштирокчисининг Ф.И.Ш.)

(йиғилиш иштирокчисининг Ф.И.Ш.)

(йиғилиш иштирокчисининг Ф.И.Ш.)

(йиғилиш иштирокчисининг Ф.И.Ш.)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Номзодларни дастлабки танлов якуни бўйича ҳарбий-касбий танловга қўйиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида.**

Дастлабки танлов тадбирларини ташкил этиш бўйича кичик комиссия томонидан дастлабки танлов натижаларини кўриб чиқилиб, **қарор қилади:**

Т/р	Номзоднинг Ф.И.Ш.	Шахсий-психологик хусусиятларини ўрганиш натижаси (тавсия этилади – тавсия этилмайди)	Якка тартибдаги дастлабки суҳбат натижаси (тавсия этилади – тавсия этилмайди)	тиббий кўриқ натижаси (яроқли – яроқсиз)	Номзоднинг шахсий йиғмажилдини ўрганиш натижаси (мувофиқ – мувофиқ эмас)	Ҳарбий-касбий танловга қўйилганлиги ёки қўйилмаганлиги хақида ёзув
Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи номзодлари						
1.						
2.						

Худудий ИИО бошлиғи  
ўринбосари – ММИ ва КТХ бошлиғи \_\_\_\_\_

**Иштирокчилар:**

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

---

(имзо)

---

(Ф.И.Ш.)

---

(имзо)

---

(Ф.И.Ш.)

---

(имзо)

---

(Ф.И.Ш.)

---

(имзо)

---

(Ф.И.Ш.)

---

(имзо)

---

(Ф.И.Ш.)

## Диктант ўтказиш МЕТОДИКАСИ

1. Диктантнинг мавзулари ва матнлари Вазирлик Таълим жараёнини ташкил этиш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда директор томонидан тасдиқланади.
2. Диктантнинг тасдиқланган мавзу ва матнлари Вазирлик Таълим жараёнини ташкил этиш бошқармаси бошлиғида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун масъул ҳисобланади.
3. Диктантнинг тасдиқланган мавзу ва матнлари Вазирлик Таълим жараёнини ташкил этиш бошқармаси томонидан ҳар йили 25 апрелга қадар тегишли қабул комиссияларга тақдим этилади.
4. Диктант ўтказилаётган аудиторияга китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.
5. Диктант бошланишидан олдин қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодларга диктант ўтказиш тартиби тушунтирилади ҳамда рақамланган дафтарлар тарқатилади.
6. Номзод рақамланган дафтарнинг устки қисмига ўзининг фамилияси, исми ва отасининг исмини ёзади.
7. Номзодларга ўқиб эшиттириладиган диктант матнининг ҳажми 100 — 120 та сўздан иборат бўлади.
8. Қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодларга диктант матни бир маротаба тушунарли ва тўлиқ ўқиб эшиттирилади. Диктант матни тўлиқ ўқиб эшиттирилгандан кейин номзодлар диктантни ёзишга тайёрланади.
9. Диктант ёзиш бошланганда қабул комиссияси аъзоси диктант матнини секин бирма-бир ўқиб беради.  
Бунда 1 та гап ўқиб эшиттирилади ва номзод ўқиб эшиттирилган гапни ёзишга киришади.
10. Ўқиб эшиттирилган гапни номзодлар ёзиб бўлганидан кейин ушбу гап қабул комиссияси аъзоси томонидан яна бир маротаба ўқиб берилади.
11. Номзод диктантни ёзиб тугатгандан кейин ўзининг рақамланган дафтарини қабул комиссияси аъзосига топшириб аудиторияни тарк этади.
12. Қабул комиссияси аъзоси номзодлардан қабул қилиб олинган дафтарларни мутахассисларга текшириш учун топширади.
13. Мутахассислар номзодларнинг ёзган диктантларини шу куннинг ўзида текширади.
14. Аудиторияда номзодларга диктант матнини ўқиб эшиттирган шахс томонидан шу аудиториядаги номзодларнинг ёзган диктантларини текширишга йўл қўйилмайди.
15. Номзодларнинг ёзган диктантларини текширган шахс диктантларни баҳолайди ва ҳар бир рақамланган дафтарга ўзининг фамилияси, исми, отасининг исми ва имзосини қўяди.

16. Диктант натижалари шу куннинг ўзида эълонлар тахтасига жойлаштириш орқали номзодлар эътиборига етказилади.

17. Қабул комиссияси аъзолари номзодларнинг рақамланган дафтарларини қабул комиссияси котибига топширади.

18. Номзодларга диктантни қайта топширишга рухсат берилмайди.

### **Диктантни баҳолаш МЕЗОНЛАРИ**

1. Номзодлар томонидан ёзилган диктант “5” баллик тизимда баҳоланади.

Диктант:

1 тагача орфографик ёки пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — “5” балл билан баҳоланади;

2 тадан 4 тагача орфографик ва пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — “4” балл билан баҳоланади;

5 тадан 10 тагача орфографик ва пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — “3” балл билан баҳоланади;

11 тадан 15 тагача орфографик ва пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — “2” балл билан баҳоланади;

16 та ва ундан ортиқ орфографик ва пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — “0” балл билан баҳоланади.

Номзод дафтарни диктант ёзилмаган бўш ҳолда топширганда у “0” балл билан баҳоланади.

2. Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда диктантдаги хатоликлар 1 та хато деб ҳисобланади:

5 та ўринда “ҳ” ёки “ў” ҳарфлари ўрнида тегишлича “х” ёки “у” ҳарфлари ёзилган бўлса;

кириш сўзларнинг (масалан, дарвоқе, дарҳақиқат) ёзилишида 6 тагача пунктуацион хатоликка йўл қўйилган бўлса;

қаратқич белгиси 3 тагача сўзда нотўғри қўлланилган бўлса.

3. Қуйидагилар хато деб ҳисобланмайди:

тасодифий хатолар (масалан, “тушунмоқ” сўзи барча ўринларда тўғри ёзилган бўлса);

такрорий хатолар (масалан, “қутулмоқ” сўзи 5 тагача ўринда “қутилмоқ” тарзида қўлланилган бўлса);

сўз қўчиришдаги хатолар (масалан, воқе-а ёки октя-брь);

айрим атамаларнинг ёзилишидаги хатолар (масалан, Чўлпон ота — Чўпон ота, Юнусобод — Юнус-обод).

4. Диктантдаги тузатишлар миқдори 5 тадан ортиқ бўлса, баҳо бир баллга пасайтирилади.

Нукус “Темурбеклар мактаби”  
ҳарбий-академик лицейига  
ўқувчиларни қабул қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
6-илова

## **Индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш МЕТОДИКАСИ**

1. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, жавоблар бланклари Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тегишли қабул комиссияларга юборилади.

2. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, жавоблар бланклари масъул психолог ходимларнинг сейфида сақланади ва улар тестларнинг ошкор бўлиб кетмаслиги учун масъул ҳисобланади.

3. Индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш номзодларни мазкур Методикада белгиланган тартибда психологик тестлар ёрдамида амалга оширилади.

4. Дастлаб номзодларга индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш тартиби мутахассислар томонидан тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

5. Индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш яқка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ўтказилиши мумкин.

6. Индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш гуруҳ бўлиб ўтказилганда, хонада номзодлар 20 нафардан ортиқ бўлмаслиги зарур.

7. Индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш давомида номзодларга олтига вазифа бўйича бир юз йигирмата психологик тест берилади.

8. Психологик тестлар номзодларнинг куйидаги индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлашга йўналтирилади:

ақл заковати, умумий интеллектуал салоҳияти ва хотираси;

мантиқий фикрлаши, зийраклиги, тафаккур шакллари ва ривожланганлик даражаси, фикрлаш тезлиги ва таҳлил қилиш қобилиятлари;

шахсига хос индивидуал хусусиятлари, киришимлилиги, психик турғунлиги, самимийлиги;

касбни танлашининг мақсади ва мақсадининг барқарорлиги.

9. Биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи вазифалар – ўнтадан савол (жами қирқта), бешинчи вазифанинг тўртта шкаласи – ўн тўрттадан савол (жами эллик олтига), олтинчи вазифа – ўн тўртта саволдан иборат бўлади. Бунда ҳар бир тўғри жавобга бир баллдан қўйилади.

10. Психологик тест бошлангунга қадар номзоднинг соғлиғи суриштирилади. Ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоят қилган номзодлар ўрганишга қўйилмайди. Бундай ҳолатда далолатнома тузилади ва унга кейинги индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганишдан ўтиш учун қайта рухсат берилади.

11. Жавоблар варақасининг тўғри тўлдирилиши учун номзод шахсан жавобгар. Жавоблар варақасидаги тегишли катакчаларни нотўғри белгилаган номзоднинг эътирозлари кўриб чиқилмайди.

12. Психологик тест синовлари ўтказиладиган хонага микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари олиб кириш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

13. Психологик тест ўтказиш вақтида ўрганиш ўтказаетган шахслар номзодларни узлуксиз равишда кузатиб туради.

14. Барча топшириқлар бажариб бўлингандан сўнг, номзодлар жавоблар бланкаларини ўрганиш ўтказаетган мутахассислардан бирига топширади. Ўрганиш ўтказган мутахассислар жавоблар бланкаларини қабул қилишда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига эътибор бериши зарур.

15. Вазифаларнинг барчасини (*бешинчи вазифадаги барча шкалани*) муваффақиятли топширган номзод таълим муассасасига кириш учун тавсия этилади ҳамда унга ҳарбий-касбий танловнинг кейинги тадбирларида иштирок этиш учун рухсат берилади.

16. Индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш натижалари бўйича Ички ишлар вазирлиги Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейга ўқишга кириш учун тавсия этилмаган номзодларга бошқа куни ўтказиладиган психофизиологик хусусиятларни ўрганиш тадбирида психологик тестларни яна бир марта қайта топширишга рухсат берилади.

17. Индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш синовларини топширган ҳар бир номзод учун мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

18. Қайднома кичик комиссия раиси ва кичик комиссия таркибига киритилган мутахассислар томонидан имзоланади. Қайднома номзоднинг шахсий йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Индивидуал-психологик  
хусусиятларни ўрганиш  
методикасига  
ИЛОВА

Номзоднинг индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш натижалари бўйича  
ҚАЙДНОМАСИ

Номзод

\_\_\_\_\_.  
(Ф.И.Ш.)

Топшириш санаси: 20\_\_ йил \_\_\_\_\_.

Натижалар:

1-вазифа	2-вазифа	3-вазифа	4-вазифа	5-вазифа				6-вазифа	Хулоса
				1	2	3	4		
0 - 4	0 - 4	0 - 4	0 - 5	0 - 3	0 - 5	0 - 6	0 - 4	0 - 4	Тавсия этилмайди
5 - 10	5 - 10	5 - 10	6 - 10	4 - 14	6 - 14	7 - 14	5 - 14	5 - 14	Тавсия этилади

Хулоса:

Раис:

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(унвони ва Ф.И.Ш.)

Аъзолар:

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(унвони ва Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(унвони ва Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(унвони ва Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(унвони ва Ф.И.Ш.)

## **Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов ўтказиш МЕТОДИКАСИ**

1. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажариш бошланишидан олдин номзодларга қабул комиссияси аъзолари томонидан машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар, машқларни бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари тушунтирилади.

2. Номзодлар жисмоний тайёргарлик машқларини бажаришда спорт кийимида бўлишлари шарт.

3. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажарган номзодлар шу вақтнинг ўзида қабул комиссияси аъзолари томонидан баҳоланади.

4. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижалари бўйича шу куннинг ўзида қайднома расмийлаштирилади.

5. Қайднома қабул комиссиясининг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг қотибига топширилади.

6. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижалари шу куннинг ўзида эълонлар тахтасига жойлаштириш орқали номзодлар эътиборига етказилади.

7. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовнинг барча шартлари бир кунда топширилади. Номзодларга жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовдан қайта ўтишга рухсат берилмайди.

8. Қуйидагилар бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ҳисобланади:

тўсинда (турникда) тортилиш;

100 метрга югуриш;

2000 метрга югуриш.

9. Қуйидагилар тўсинда (турникда) тортилиш машқига қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

бош бармоқ поя ичкарасидан ушланади, тана бироз ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;

ияк тўсин (турник) поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 2 сониягача давом этиши мумкин).

Ушбу машқни бажаришда оёқларни букиш ва кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

10. 100 метрга югуриш машқни юқори ёки қуйи стартдан амалга оширилади ҳамда стадионнинг югуриш йўлакчасида ёки қаттиқ қопламли текис жойларда ўтказилади.

11. 2000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади.

Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

12. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажариш оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

## **Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовни баҳолаш МЕЗОНЛАРИ**

1. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижалари “5” баллик тизимда қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

<b>Машқлар номи</b>	<b>Бажариш кўрсаткичи</b>	<b>Синов натижаларини баҳолаш мезонлари</b>			
		<b>5 балл</b>	<b>4 балл</b>	<b>3 балл</b>	<b>0 балл</b>
тўсинда (турникда) тортилиш	марта	9	7	5	5 дан кам
100 метрга югуриш	сония	14,5 гача	14,6 дан 15 гача	15,1 дан 15,3 гача	15,3 дан ортиқ
2000 метрга югуриш	дақиқа	9	9,1 дан 9,30 гача	9,31 дан 9,45 гача	9,45 дан ортиқ

2. Номзод жисмоний тайёргарлик машқларини бажаргандан сўнг, унга ҳар бир машқ учун қўйилган баллари умумлаштирилиб номзодга ўртача арифметик балл қўйилади. Бунда жисмоний тайёргарлик машқлари учун қўйилган баллар йиғиндиси қуйидагича ҳисобланади:

14 — 15 балл тўплаганда — “5” балл;

11 — 13 балл тўплаганда — “4” балл;

6 — 10 балл тўплаганда — “3” балл;

6 дан кам тўплаганда — “0” балл.

3. Номзодга жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовда 2 та машқни “0” баллга бажарганда, номзодга “0” балл қўйилади.



### **Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш МЕТОДИКАСИ**

1. Якка тартибдаги якуний суҳбат саволлари Вазирлик Таълим жараёнини ташкил этиш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.
2. Якка тартибдаги якуний суҳбат саволлари Вазирлик Таълим жараёнини ташкил этиш бошқармаси бошлиғида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун масъул ҳисобланади.
3. Якка тартибдаги якуний суҳбат саволлари Вазирлик Таълим жараёнини ташкил этиш бошқармаси томонидан ҳар йили 25 апрелга қадар тегишли қабул комиссияларга тақдим этилади.
4. Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказилаётган аудиторияга китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.
5. Якка тартибдаги якуний суҳбат бошланишидан олдин қабул комиссияси котиби номзодлар ҳақидаги маълумотларни қабул комиссияси аъзоларига тақдим қилади.
6. Якка тартибдаги якуний суҳбат қабул комиссияси томонидан коллегиялик принципи асосида ўтказилади.
7. Номзодлар якка тартибдаги якуний суҳбатдан ўтиш учун аудиторияга 1 нафардан киритилади.
8. Қабул комиссияси аъзолари якка тартибдаги якуний суҳбатга кирган ҳар бир номзодга 3 та савол беради. Бунда ҳар бир йўналиш (3 та йўналиш) бўйича 1 тадан савол берилади.  
Номзодга саволлар навбат билан бирма-бир берилади (номзодга 1 та савол берилади ва номзод у саволга жавоб берса ёки жавоб бера олмаса унга навбатдаги савол берилади).
9. Ҳар бир номзодга саволларга жавоб бериш учун 10 дақиқагача вақт берилади.
10. Номзод саволларга белгиланган муддатдан олдин жавоб берса у аудиторияни тарк этади.
11. Якка тартибдаги якуний суҳбат бўйича шу куннинг ўзида қайднома расмийлаштирилади.
12. Қайднома қабул комиссиясининг Якка тартибдаги якуний суҳбат бўйича синовда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг котибига топширилади.
13. Якка тартибдаги якуний суҳбатдан қайта ўтишга руҳсат берилмайди.

**Якка тартибдаги якуний суҳбатни баҳолаш  
МЕЗОНЛАРИ**

1. Номзодлар саволларга берган жавобларига қараб қуйидаги мезонлар асосида “5” баллик тизимда баҳоланади:

номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб топилганда — “5” балл;

номзод мустақил мушоҳада юритади, моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — “4” балл;

номзод моҳиятини қисман тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — “3” балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга қисман эга деб топилганда — “2” балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб топилганда — “0” балл қўйилади.

2. Номзоднинг саволларга жавобига комиссиянинг ҳар бир аъзоси номзодга ўз баҳосини қўяди. Қўйилган барча баллар умумлаштирилиб, номзоднинг ўртача арифметик бали аниқланади.

**Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича  
ҚАЙДНОМА**

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

Т/р	Номзоднинг саволларга берган жавобларига қўйилган баллар				
	Номзоднинг Ф.И.Ш.	1-савол бўйича	2-савол бўйича	3-савол бўйича	Ўртача арифметик балл
1.					
2.					
3.					
...					

Қабул комиссияси аъзолари:

_____	_____
(Ф.И.Ш.)	(имзо)
_____	_____
(Ф.И.Ш.)	(имзо)
_____	_____
(Ф.И.Ш.)	(имзо)